

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД – 5220100 – 4.03

2017 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

2017 йил “24” 08

АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил “24” августдаги “603”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

- А.А. Каримов – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси мудири, ф.ф.н.
- К.Ф.Исмаилова – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси доценти, ф.ф.н.
- Н.С.Қосимова – ЎзДЖТУ, “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси доценти, ф.ф.н.
- Ў.Мирзаёров – Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари, “Хуррият” газетаси бош муҳаррири

#### **Такризчилар:**

- С.Ҳакимов – Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси (*кадрлар истеъмолчиси*).
- Ш.Ибрагимов – ЎзМУ журналистика факультети “Рақамли ОАВ” кафедраси мудири, ф.ф.н.
- А.Матякубов – ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “28” июндаги 5-сонли баённома).

## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

“Аудиовизуал журналистика” фани фото, радио, телевидение, ҳужжатли кинонинг пайдо бўлиши, ривожланиши, уларнинг жамиятда тутган ўрни, вазифалари, телекўрсатув, радиоэшиттириш, ҳужжатли кинони тайёрлаш жараёнларини ўргатади. Дастлаб фотография, сўнгра радио ва телевидениенининг пайдо бўлиши ОАВ ривожига катта туртки бергани, ўзига хос техник инқилоб ясагани, тараққиёт босқичларининг эртанги куни муаммоларини қамрайди. Шунингдек, талабаларни интерактив дастурларни тайёрлашда тингловчи ва томошабинлар билан мулоқотни юқори даражада олиб бориш, оғзаки нутқ, мусиқа, интершовқин, монтаж уйғунлигини таъминлаш ва шу борада турли ифодавий воситалардан фойдаланишга ўргатади.

“Аудиовизуал журналистика” фани бўйича ўқув курсини ўқитилишининг аҳамияти ва долзарблиги шундаки, журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга телевизион ва радиожурналистика тизими, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, жамиятдаги ўрни ҳамда аҳамияти янада ривожланаётганлиги, глобаллашув шароитида медимаҳсулотларнинг ижтимоий мақоми, миллий ва халқаро телерадиостанцияларда замонавий технологиялар, дастурлар турлари ва уларнинг эфир орқали узатилишдаги ўзига хосликлар ҳақида зарурий билим ва амалий кўникмалар берилади.

“Аудиовизуал журналистика” фани ихтисослик фанлари блокига киритилган курс ҳисобланиб, 1-, 2-, 3-курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ. Мазкур фан бошқа умумкасбий ва ихтисослик фанларининг назарий ва услубий асосини ташкил қилиб, ўз ривожига махсус фанлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

Фаннинг мақсади – халқаро журналистика соҳасидаги бакалаврларга радио соҳасининг ўзга хослигини, ОАВ тараққиётида телерадиомаҳсулотларнинг ўрни ҳақида тасаввурни шакллантириш, эфирга узатилаётган дастурларнинг йўналишлари, шакллари, ифода воситаларини ўрганган ҳолда аудиовизуал журналистика жанрларида ижод қила олишга ўргатиш, соҳа иқтисодиёти ва журналистнинг касбий ахлоқи меъёрлари бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- фото, радио, ТВ, ҳужжатли кино тарихи, бугунги ҳолати, вазифа ва тамойиллари, тури ва жанрлари, тили ва услуби, аудиторияни ўрганиш, журналистлар маҳорати масалалари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши**;

– телерадиолойиҳалар концепцияси устида ишлаш, уларни эфирга тайёрлаш ва узатиш технологияларини **билиши ва улардан фойдалана олиши**;

– халқаро ва миллий тажрибани қиёсий ўрганган ҳолда келгусида мазкур соҳада замонавий усулларни қўллаб аудиторияга манзур бўладиган дастурларни тайёрлаш **кўникмаларига эга бўлиши керак**.

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулоти)**

#### **1-Модул. Фотожурналистика**

##### **1-мавзу. Фотожурналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари**

“Фотография” тушунчаси. “Фотожурналистика” атамасининг пайдо бўлиши. Фотожурналистика тараққиётининг жадаллашувига туртки бўлган муҳим омиллар, мазкур омилларнинг халқаро журналистика аҳамиятини очиқ беришдаги роли.

Фотографиянинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёти. Фотографиянинг Жозеф Нисефор Нэпс томонидан назарий тадқиқ қилиниши. Фототехника ихтироларининг фотожурналистика тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти. Фотографиянинг илмий жараёнда қўлланилиши. Тасвирий журналистиканинг пайдо бўлиши. Фотография ҳақидаги Жон Риснинг биринчи китоби чоп этилиши (1890). Фотожурналистиканинг пайдо бўлиш сабаблари.

Фотографиянинг Ўзбекистонда пайдо бўлиши. Худойберган Девонунинг фотожурналистиканинг ривожига қўшган хиссаси. Республика фотосанъатининг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тараққиёт босқичлари (1946-1991). МДХ давлатларида, хорижий мамлакатларда фотография, фотопублицистика, фотосанъат ривожиди. В.Песков, Д.Бальтерманс, М.Пенсон, В.Картье-Брессон, А.Жумаев асарлари. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фотожурналистика, фотопублицистика, фотосанъат тараққиёти.

##### **2-мавзу. Фотожурналистиканинг технологик ва ташкилий асослари**

Фотокамера ва унинг турлари. Ягона линзали фотокамералар. Замонавий DSLR камералари. Диапазон қидирувчи камералар. Компакт (ихчам) тизимли камералар. Смартфон камералар.

Рақамли фотокамера ва унинг таркибий қисмлари. Камера сенсори. Суратга олиш жараёни босқичлари. Экспозиция, суратга олиш, автофокус, drive режими тушунчаларининг тавсифи. Фотосуратларни олишда чироқлар ва тиргаклардан фойдаланиш.

Видео фотография тушунчаси. Видео фотография маҳсулотларини устида ишлаш жараёнлари.

##### **3-мавзу. Рақамли фотожурналистика**

Рақамли фотожурналистика тавсифи. Рақамли фототехника: турлари ва русумлари. Объективлар. Созлаш ва режим турлари: фокус, экспозамер режими, оқ-қора ва рангли баланс, экспозиция коррекцияси. Фокус ва уни турли планларда қўллаш. Рақамли фотосурат форматлари: JPEG, TIFF, RAW, рақамли сурат композицияси. Нур ва соя ҳамоҳанглиги. Эрталабки, кундузги, кечки ва тунги съёмка. Ракурс. объектив турлари ва қатламлари. Умумий расм олиш қоидалари. Хужжатли фото олиш қоидалари. Портрет фотосуратга қўйиладиган талаблар. Фотоколлажнинг асоси.

Босма ва интернет ОАВда рақамли фототехникадан фойдаланиш имкониятлари ва истиқболлари.

Фотосуратни монтаж қилиш жараёнлари. Расмни узатиш технологиялари. интернет тармоғи орқали алоқа, камерадан узатиш, уяли телефон орқали узатиш.

#### **4-мавзу. Фотожурналистика жанрлари**

Фотожурналистика жанрлари: фотохабар, фоторепортаж, фотофельетон, фотопортрет жанрлари (якка ва гуруҳ портретлари), пейзаж (табиат тасвири), натюрморт, фотоинтервью, фотолавҳа, фотоочерк. Жанр турларининг асосий белгилари, муштарак ва фарқли жиҳатлари. Фотожурналистикада жанрлар синтези.

#### **5-мавзу. Ихтисослашган журналистика турларида фотосуратдан фойдаланиш**

Спорт журналистикасида фотонинг ўрни. Спортга ихтисослашган фотожурналист маҳорати. Спорт мусобақаларини ёритишда рақамли фототехника имкониятларидан самарали фойдаланиш: экспрессия, динамизм, ҳиссиётлар. Болалар журналистикасида фотосуратнинг аҳамияти. Болалар суратларидан фойдаланиш талаблари. Экологик журналистикада фотосурат. Тирик табиат кўйнида. Оқ-қора ва рангли тасвир. Фотослайд-шоу. Катта масштаблар фотографияси. Таҳлилий журналистикада фотосуратлардан фойдаланиш.

#### **6-мавзу. Интернет журналистикасида фотоматериалларнинг ўрни**

Интернетда фотонинг ўрни. Интернет сайтларига фотосуратларни жойлаштириш талаблари. Сайт дизайнига қўйиладиган талаблар ва гиперматнга суратни жойлаштириш қоидалари. Фотожурналистнинг интернет манбалар билан ишлаш тамойиллари.

#### **7-мавзу. Зиддиятли вазиятларда фотожурналист фаолияти**

Зиддиятли ва фавқулодда вазиятларда фотожурналистика жанрларидан фойдаланиш. Ҳарбий ҳаракатлар фотоси: маҳорат мезонлари. Объектда террорчилик ҳаракатлар: психологик жиҳатлар. Элементлар фильтри.

#### **8-мавзу. Бильд-муҳаррир: лавозим, касбий меъёрлар ва талаблар**

Бильд-муҳаррир лавозимига қўйиладиган талаблар. Деталларнинг аҳамияти. Бош тақризчи-ўқувчи. Танлаш маҳорати. Сурат ва тасвирдаги образни топиш. Суратдаги кайфият. Сурат ҳажмлари. Босма ОАВда суратни жойлаштириш қоидалари. Биринчи бет сурати. Газета дизайнида фотосуратнинг ўрни ва унга қўйиладиган талаблар.

#### **9-мавзу. Медиа ҳуқуқ, бошқарув ва этика: фотожурналист фаолиятига қўйиладиган касбий талаблар**

Фотожурналист ижодининг ўзига хос хусусиятлари. Фотожурналист касбига қўйиладиган ахлоқий талаблар: ортиқча аралашув, нотўғри ахборотни тарқатиш, плагиат, ноҳолис ёритиш. Хорижий мамлакатлар фотожурналистлар миллий ассоциациясининг ахлоқий кодекслари.

### **2-Модул. Радиожурналистика**

#### **10-мавзу. Радиожурналистиканинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти**

Радионинг жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётидаги роли. Радиожурналистиканинг мақсад ва вазифалари, унинг мустақилликгача ва мустақиллик йилларида ўрганилиш даражаси.

Бугунги кунда радиоэшиттиришга қўйиладиган талаблар. Радиожурналистиканинг ОАВ тури сифатида ривожланишининг замонавий тенденциялари.

### **11-мавзу. Радио тарихи**

Радио ихтиро этилишининг ижтимоий ва техник сабаблари. Европа ва АҚШ олимларининг изланишлари (Максвелл, Герц, Бранли, Лодж, Тесла ва бошқалар). А.С.Попов ва Г.Маркони ихтироларининг радио ривожига катта туртки бергани, ўзига хос техник инқилоб бўлгани. Радионинг пайдо бўлиши ва жаҳон бўйлаб тарқалиши. Эдвин Армстронг томонидан FM-диапазоннинг ишлаб чиқилиши ва кенг жорий этилиши.

Ўзбекистонда радионинг пайдо бўлиши. Республикада радио тузилмалари тараққий этишининг асосий босқичлари. Немис фашизмга қарши кураш йилларида ватан радиосининг фаолияти. “Қайта қуриш” даврида ижод йўналишлари ва эшиттиришларнинг шакллари. Мустақил Ўзбекистон радиосининг ўзга хослиги.

### **12-мавзу. Радиоэшиттиришларнинг ўзига хос хусусиятлари**

Радиоэшиттиришнинг ОАВ тизимидаги ўрни. Радиоэшиттиришнинг ўзига хослиги ва унинг имкониятлари. ОАВ тизимида радио ўрнини белгиловчи омиллар.

Радиоэшиттиришнинг функциялари. Эстетик йўналиши. Технологик базаси. Радиоэшиттириш материалларни қабул қилишнинг ўзига хос жиҳатлари. Аудитория билан раамзий мулоқотнинг системаси сифатида радиоэшиттиришнинг хусусиятлари.

### **13-мавзу. Радиоэшиттиришнинг ифодавий воситалари**

Радиоэшиттиришнинг ифодавий воситалар тизимига умумий тавсиф. Радионинг табиий, ўзига хос воситалари: янграётган сўз, мусиқа, интершовқинлар, монтаж. Радиомонтаж турлари: техник, мантиқий, мураккаб параллел, бадий.

Радиостанциялар имиджини шакллантирувчи воситалар: джингллар, лайнер, подложка, свиппер ва бошқалар. Радиода овоз грими, товушли мизинсцена, реверберация. Акустик, параллел, изчил монтажлар. Акустик коллаж. Радиоэшиттиришда “овозли образ” тушунчаси.

### **14-мавзу. Радионинг замонавий структураси ва халқаро радио тизими**

Ҳозирги кун радио тузилмалари. Давлат радиокомпанияларнинг кенг тарқалган структураси. Нодавлат радиоларнинг тузилиш хусусиятлари. Жамоа радиостанцияларнинг иш услуби. Радио таҳририятининг тузилмаси, штати, ихтисослашуви. Формат тушунчаси. Радио форматларининг турлари. Ўзбекистон Республикасида шаклланган радиомухитига тавсиф.

Хорижий мамлакатларга радиоэшиттиришнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва ташкиллаштириш принциплари. Йўналтирилганлик – халқаро радиоэшиттиришнинг бош услуби сифатида.

Жаҳон радиостанциялари классификацияси. Халқаро радио тизимида Би-Би-Сининг ўрни. Қирол Хартияси Буюк Британия радиоси фаолиятини белгиловчи асосий ҳужжат сифатида.

АҚШда радио тараққиёти. “Америка овози” станциянинг дастурлари: йўналиш ва шакллари. Германиядаги “Немис тўлқини” радиосининг дастурий сиёсати. “Радио Франс Интернасьональ” радиоси маданий эшиттиришларининг аҳамияти.

Осиё ва Шарқда хорижга йўналтирилган радиоэшиттиришларга тавсиф.

Ўзбекистон Халқаро радиоси тарихи ва халқаро муносабатлар мустаҳкамланишига кўшган хиссаси. Чет элларга эшиттиришларнинг Интернетдаги кўринишлари.

### **15-мавзу. Радиода режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Радиода дастурлашнинг турлари: горизонтал, вертикал. “Дастурий чамбарак” тушунчаси. Радио форматларининг таснифи. Радиоэшиттириш кунининг ташкил этилиши принциплари. Эфир дастурлашда “прайм-тайм”нинг ўрни.

Плей-листни шакллантириш мезонлари. Бегим ва дам олиш кунларини ташкиллаштиришнинг ўзига хосликлари. Анонсларнинг ротацияси.

Янгиликлар ва рекламанинг медиарежалаштирилиши.

### **16-мавзу. Радиожурналистика жанрлари**

“Янграётган” журналистиканинг уч гуруҳ жанрларига умумий тавсиф. Уларнинг дастурдаги алоқаси ва ўзаро таъсири. Замонавий радиожурналистикада баъзи жанрларнинг “инқироз” муаммолари ва йўқолиб кетиши. “Радиожурналистика жанрлари” ва “радио эшиттириш шакли” тушунчаларининг ўзаро нисбийлиги.

Ахборий жанрларнинг ўзига хослиги. Янгиликларнинг радиожанрлар тизимидаги ўрни. Ахборий дастурни “верстка” қилиш принциплари. Мухбир тайёрлаган ахборий лавҳа ва унинг янгиликлар дастуридаги роли. Интервью, репортаж жанрларнинг хусусиятлари ва турлари.

Радиода таҳлилий жанрларнинг моҳияти. Таҳлилий ҳисоботнинг ўзига хослиги. Шарҳнинг жанрлар тизимидаги аҳамияти. Радиода шарҳловчининг ўрни. Сиёсий шарҳловчи, спорт шарҳловчининг вазифалари. Сухбат ва унинг замонавий кўринишлари. “Давра сухбати”ни тайёрлаш ва ўтказиш технологиялари. Радиода журналистик суриштирувнинг афзалликлари.

Радиожурналистика жанрлари тизимида бадиий-ҳужжатли жанрларнинг ўрни ва аҳамияти. Радиоочерк хусусиятлари ва турлари. Радиоҳикоя кўринишлари. Радиоэссенинг дастурларда намоён бўлиши. Ҳажвий-юмористик жанрлар гуруҳи: фелъетон, памфлет, латифа. Драматургик асосдаги жанрлар: радиосаҳна, радиомультифильм.

### **17-мавзу. Радиожурналистика шакллари ва радиожурналист касбининг ихтисослашуви**

Радиожурналистика шаклларига умумий тавсиф. Радиоэшиттиришларда “руқн”, “туркум” тушунчалари. Радиожурналнинг хусусиятлари. Ахборий-таҳлилий, ахборий-публицистик, ахборий-муסיқий, ахборий-кўнгилочар дастурлар. Радиокомпозиция, радиофильмлар яратишнинг ўзига хос жиҳатлари.

Давлат ва нодавлат радиостанцияларда касбий ихтисослашувнинг ўхшаш ва фарқли томонлари. Ди-джейлар, ар-джейлар, янгилик дастурлари бошловчилари, эфир соатларининг бошловчилари, креаторлар, продюсерлар ва бошқалар ижодий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.

Радиоода бошқарув органлари ходимларининг вазифалари. Радиоэшиттириш техник таъминотиға жавоб берувчи касб эгалари. Радиожурналистнинг “тўғридан-тўғри эфир” режимида ижод қилишининг ўзига хослиги. Модераторлик ва мавзули радиоэфир олиб бориш мезонлари.

Радио журналист ижодида муаллифлик дастурларининг ўрни ва аҳамияти. Радиоода интерфаол эшиттиришларнинг турлари.

### **18-мавзу. Радиоэшиттириш тайёрлаш технологияси**

Радиоэшиттиришни ташкиллаштириш методикаси. Радиолойиҳа концепциясини ёзиш коидалари. Радио сценарийларнинг ўзига хос хусусиятлари ва турлари.

Радиостудия ҳақида маълумот. Овоз ёзиш, уни узатиш техник жараёнлари тўғрисида умумий тушунча. Рекордерни ишга тайёрлаш, студия ортида у билан ишлаш принциплари. Микрофон техник параметрларнинг товуш манба билан уйғунлашуви, ёзилган материалга ишлов бериш. “Аудиомизанцена”, “аудиоплан”, “товушли образ” тушунчалари. Радиоэшиттиришнинг безатилиши. Радиоода “реверберация”, “эхо”, “компиляция” усулларининг қўлланилиши. Дастурлар таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш усуллари.

### **19-мавзу. Радио тили**

Радио тили ҳақида тушунча. Тил ва сўзлашув нутқи. Радио тили хусусиятлари. Радио тилининг аниқлиги, равонлиги, эшитимлилиги.

Радио нутқида нейтрал, китобий, публицистик лексикалар. “Импровизация” замонавий радио тилининг зарурий унсури сифатида. Радио тилининг новербал воситалари.

### **20-мавзу. Радио журналист касб одоби ва иқтисодиёти**

Радио журналист этикаси принциплари, ахлоқ-одоби меъёрлари. 1954 йил 25-28 апрелда Бордо шаҳрида ўтган журналистлар Халқаро федерациясининг 2-жаҳон Конгрессида қабул қилинган “Журналист фаолияти принциплари Декларацияси” ҳақида маълумот. Радио журналистиканинг етакчи олим В.Н.Ружниковнинг бу хусусдаги фикрлари.

Умумий касб этикаси ҳамда радионинг хусусий (локал) ахлоқий меъёрлари.

Ўзбекистон ҳамда дунё радио ижодкорлари фаолиятида одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш.

Жаҳон радиоларида иқтисодиёт масалалари. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш йўллари. Радиостанцияларнинг тижорий фаолияти. Радиоода реклама: ўзига хос хусусиятлари, турлари, эфирда жойлаштирилиш принциплари.

Радиоода ҳомийлик ва радиоматериалларни эфирга узатиш қонун-қоидалари.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси радиоканалларида иқтисод масалалари. Нодавлат радиоларда бюджетнинг шаклланиши.

## **3-Модул. Тележурналистика**

### **21-мавзу. Телевидениенинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари**

Телевидениенинг ҳуқуқий –демократик давлат ва фуқаролар жамияти қуришда тутган ўрни, мамлакат ўтмиши, бугунги куни ва келажаги ҳақида ҳаққоний ва юқори савиядаги кўрсатувлар тайёрлаш лозимлиги тўғрисида. ОАВ тизимида энг тезкор, энг халқчил, энг таъсирчан бўлган бу электрон алоқа воситаси олдида турган



вазифалар. Телевидениенинг шитоб билан ҳар бир жамият ва инсонлар ҳаётига кириб бориши. Телевидениенинг мамлакатимизда ва жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкорлик билан ахборот бериши ва уларга нисбатан аҳоли фикрини ҳолисона шакллантиришда тутган ўрни. Аҳолини турли воқеа-ҳодисалардан воқиф қилиш, аҳоли маданиятини ошириш, маънавиятини бойитиш, дунёқарашини тўғри шакллантиришда телевидениенинг ахборот тарқатиш, маданий-маънавий, интегратив, ташкилотчилик, маърифий, мафкуравий, рекреатив каби вазифаларининг аҳамияти. Ўзбекистон ТВ соҳасидаги ислоҳотлар. Рақамли ТВга ўтиш истикболлари.

## **22-мавзу. Телевидениенинг оммавий ахборот воситалари тизимида тутган ўрни ва телевидениеда журналистик фаолият турлари**

Телевидение кўрсатувлари ҳақида умумий маълумот. Жонли кўрсатувларнинг афзалликлари. Телевидениенинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқи. ТВнинг ўзига хос хусусияти. Телевидениеда тасвир ва сўзнинг иттифоқи. Тасвирнинг бирламчилиги. Телевидение ва газета. Телевидение ва радио. Телевидение ва кино. Уларнинг умумийлиги, ўхшашлиги ва ўзига хослиги. В.Саппакнинг “Телевидение ва биз”, Д.Миллерсоннинг “Телевидение кўрсатувларини тайёрлаш технологияси”, Г.Кузнецов, В.Цвик, А.Юровскийнинг “Телевизионная журналистика”, ўзбек олимлари А.Каримов, Ў.Ўтаев, И.Раҳматуллаева ва бошқаларнинг китоблари ҳақида маълумот. Телевидениеда журналистик фаолият турлари. Муҳаррир(продьюсер) – ижодий жараён ташкилотчиси. Мухбир, таҳлилчи ва шарҳловчи. Бошловчи, суҳбат олиб борувчи, шоумен ва модератор. Ахборот дастури бошловчиси. Журналистик асар тайёрлашда режиссёр, тасвирчи ва бошқа ижодкорларнинг тутган ўрни.

## **23-мавзу. Жаҳон телевидениеси**

Телевидениенинг пайдо бўлиши ва жаҳон бўйлаб тарқалиши. 1941 йил Франция, Голландия ва Япония телестудияларининг ишга туширилиши. Иккинчи жаҳон уруши йилларида жаҳонда телевидение кўрсатувларининг тўхтатилиши. Урушдан кейинги дастлабки дастлабки йилларда (1950) АҚШ, Англия ва собиқ иттифоқдаги телевидениенинг фаолияти. 1956 йил Тошкент Шайхонтохур телеминорасининг қад кўтариллиши ва Ўзбекистон телевидениесининг ишга туширилиши. Эй-Би-Си, Си-Би-Эс, Си-Эн-Эн, Фокс, Евроньюс, Би-Би-Си, Россия, НТВ, Эн-Эйч-Кей, Ал-Жазира каби каналлар ҳақида маълумот. Медиумагнатлар С.Берлускони, Р.Мердок, Т.Гернер, Р.Максвелл, Г.Торн муваффақияти.

## **24-мавзу. Тележурналистика жанрлари**

Ахборот жанрлари. Ахборот публицистикаси ҳақида маълумот. Видеосюжет. Репортёр – ТВнинг ахборот воситачиси сифатида. Телевизион янгилик. Ахборий сабаб. Телевизион сюжет компонентлари. Телевизион янгиликлар форматлари.

Ҳисобот. Давлат ва ҳукумат делегацияларининг расмий ташрифлари тўғрисидаги кўрсатувлар. Репортаж турлари. Тўғридан-тўғри репортаж. Репортаж-трансляция. Воқеий репортаж. Режалаштирилган репортаж. Муаммоли репортаж. Репортаж-портрет. Интервью. Экспресс сўров. Ахборот жанрларининг ўзига хос хусусиятлари. Таҳлилий жанрлар. Телешарҳ (телекомментарий). Телетаҳлил (телеобозрение). Суҳбат жанри ҳақида маълумот. Баҳс ва ток-шоу. Уларнинг фарқли жиҳатлари. Ток-шоу – янги, замонавий жанр сифатида. Матбуот анжумани. Брифинг. Корреспонденция. Бадиий-

публицистик жанрлар. Лавҳа ҳақида маълумот. Эссе жанрининг ўзига хос хусусиятлари. Очерк ва унинг турлари. Жанрларда қаҳрамон, характер ва образ. Сатирик жанрлар тўғрисида маълумот. Телефильм ҳақида маълумот. Сериаллар.

## **25-мавзу. Телевизион сюжет компонентлари**

Телевизион сюжет – телевидениенинг асосий жанрларидан бири сифатида. Видеокатор. Видео аксарият ҳолларда телевизион сюжет учун махсус профессионал мутахассис томонидан тасвирга олинishi ҳамда архив материаллари, тезкор тасвирлар, ҳаваскорлик ишларидан ҳам фойдаланилиши. Графика - схема, харита, диаграмма, спорт турнирлари жадваллари ва бошқалар компьютер технологиялари ёрдамида тайёрланиши ва унда ранглардан фойдаланиш, безатиш, шрифтларни танлаш.

Интершум. Мусиқа. Лайф. Синхрон. Стенд-ап ва титрлар. Титрларнинг турлари: 1. Геотитр (харитадан воқеа содир бўлган жойни кўрсатиш). 2. Субтитр (экран пастида хабарнинг бошқа тилдаги таржимасини бериш). 3. “Югурувчи сатрлар” (экран пастида хабарларни бериб бориш). 4. Изоҳловчи титрлар. Кадр ортидаги матн.

## **26-мавзу. Телесюжет яратишнинг технологик босқичлари**

Телевизион асар яратишнинг босқичлари. Пре-продакшн – тасвирдан олдинги фаолият. Продакшн – бевосита тасвирга олиш пайти. Пост-продакшн – материалга ишлов бериш ва уни эфирга тайёрлаш.

Пре-продакшн. 1. Ғоя танлаш ва топшириқ олиш. 2. Маълумот йиғиш босқичи. Рисёч (рисёчр) (инглизча research – ўрганиш, тадқиқот). Рисёчер – ўрганишлар билан шуғулланувчи таҳририятдаги мутахассис. Бэкграунд (инглизчадаги background – фон) – фонли, воқеа ҳақида қўшимча маълумот берувчи ўхшаш воқеалар ҳамда қатнашчилар тўғрисида далиллар. 3. Сюжетнинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш. 4. Мухаррир билан фикрни муҳокама қилиш. 5. “Қўнғироқ қилиш” ёки “продюсерлик” босқичи. 6. Тасвирчи билан ғояни муҳокама қилиш

Продакшн. Тасвир жараёни. Сюжет учун керакли бўлган асосий элементлар – тасвирга тушириш, синхрон ва стенд-апларни ёзиш.

Пост-продакшн. 1. Тасвирга олинган видеоматериалларни кўриқдан ўтказиш. 2. Синхрон ва стендапларни расшифровка қилинади. 3. Телесюжет матнини ёзиш. 4. Ўз-ўзини таҳрир қилиш. 5. Матнни мухаррир билан бирга ўқиб чиқиш. 6. Кадр ортидаги матнни ўқиш (начитка). 7. Монтаж. 8. Тайёр сюжетни кўриқдан ўтказиш. Янгиликлар дастуридаги чиқишларда сюжет типлари: бош янгилик – хэдлайнер, клифхэнгер, дастур миҳи, кикер.

## **27-мавзу. Телекўрсатув тайёрлаш технологияси**

Тасвир жараёнида тасвирчи билан мухбир муносабати. Репортёр кадрда. Стенд-ап ҳақида тушунча. Телевизион сюжет муайян тарихий жараён сифатида. Телесюжет матнининг ўзига хос хусусиятлари. Сценарий ёзиш маҳорати. Телестудия ҳақида маълумот. Режиссёр аппаратхонаси. Техника аппаратхонаси. Овоз режиссёри аппаратхонаси. Телетасвир. Телекамера. Техник маълумотлар. Тасвирнинг ҳосил бўлиши ва узатиш. Чирок. Ёритишга бўлган асосий талаблар. Ёритиш усуллари. Телевидениеда ёритиш ва овоз ёзиш муаммолари. Овоз тембри ҳақида маълумот. Кўрсатув тайёрлаш жараёни. Тасвир, оддий монтаж, мураккаб монтаж, просмотр, техник кўриқ ва эфир.

## **28-мавзу. Нодавлат телевидениелар**

Хориждаги давлат ва нодавлат телекомпаниялар ва телестудиялар ҳақида маълумот. Нодавлат телестудиялар кўрсатувларини тарқатишда сунъий ер йўлдошлари ва кабелдан фойдаланиш. Нодавлат телестудияларнинг ҳуқуқий-фуқаролик жамиятини қуришдаги аҳамияти. Давлат ва нодавлат телестудияларда воқеликни акс эттиришдаги ёндашувлар. Нодавлат телестудияларнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш масалалари. Нодавлат телестудиялар ва реклама. Нодавлат телестудиялар Низоми, Дастури ва рўйхатдан ўтказиш. Ўзбекистонда нодавлат телестудияларнинг пайдо бўлиши. “СТВ”- дастлабки нодавлат телестудия.

## **29-мавзу. Телевидениеда касб одоби ва иқтисодиёт масалалари**

Журналист этикаси принциплари, журналист ахлоқ-одоби меъёрлари. 1954 йил 25-28 апрелда Бордо шаҳрида ўтган журналистлар Халқаро федерациясининг 2-жаҳон Конгрессида қабул қилинган “Журналист фаолияти принциплари Декларацияси” ҳақида маълумот. Телевидение назарийгчиси В.Саппакнинг бу хусусдаги фикрлари. Ўзбекистон ҳамда дунё телевидениелари ижодкорлари фаолиятида одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш. Жаҳон телевидениеларида иқтисодиёт масалалари. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш. Телевидениеда реклама. Ўзбекистон телевидениеси бюджети. “Ёшлар” телерадиоканали АЖ сифатида. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси каналларида иқтисод масалалари ва асосий муаммолар.

## **4-Модул. Интерактив журналистика**

### **30-мавзу. Интерактив журналистиканинг пайдо бўлиши ва тарққият тенденциялари**

Интерактив журналистика тушунчаси ва моҳияти. Интерактив журналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тамойиллари. Интерактив журналистиканинг ўзига хос хусусиятлари.

Интерактив журналистикада ахборот технологиялардан фойдаланиш усуллари. Радио ва телевидениеда жонли эфирнинг кўриниш ва вазиятлари. Тўғридан-тўғри эфирда бериладиган эшиттиришларнинг турлари ва узатишнинг янги йўллари.

### **31-мавзу. Радиода интерактив журналистиканинг ўзга хослиги**

Интерактив радиожурналистиканинг ўзига хос хусусиятлари. Интерактив радиожурналистиканинг ифодавий воситалари. Жонли сўз аҳамияти. Интерактив радиожурналистикада мусиканинг ўрни ва роли. Интершовқинлар ва уларнинг турлари.

Радиомонтажнинг вазифалари ва замонавий кўринишлари. Интерактив журналистикада ахборот технологиялардан фойдаланиш усуллари.

### **32-мавзу. Телевидениедаги интерактивликнинг хусусиятлари**

Телевизион журналистикада интерфаолликнинг ўрни ва афзалликлари. Воситалар тизими. Аудитория билан “интерактив тарзида” ишлаш усуллари. “Қайта алоқа” турлари. Интерактив тележурналистиканинг янги ахборот технологиялар таъсирида ўзгариб бориши.

### **33-мавзу. Интерактив журналистиканинг жанр ва шакллари**

Интерактив журналистика жанр ва шаклларнинг тизими. Интерактив жанрларда эшиттиришлар тайёрлаш стратегия ва тактикаси. Дастур “формати” тушунчаси. Интерактив медиамаҳсулотларнинг станция “форматига” тушиш қоидалари.

Модератор ва мавзули эфирларни интерфаол тарзида олиб борилиши хусусиятлари. Интерактив журналистикада муаллифлик дастурларнинг ўрни ва аҳамияти. Музокарали эшиттиришларни интерактив тарзда олиб бориш методикаси.

Ток-шоуларни ташкиллаштириш жараёни. Радио ва телевиденида радио-телекўприкларни тайёрлаш амалиёти.

### **34-мавзу. Интерактив журналистикада журналист маҳорати масалалари**

Интерфаоллик шароитида эфирни олиб бориш тамойил ва услублари. Йўналтирганлик принципи ва журналист маҳорати. Интерактив материал устида ишлаш жараёнида импровизация ва аввалдан тайёрланиш факторларнинг ўзаро алоқадорлиги. Фаол эшитиш методикаси.

Интерактив дастур олиб боришда тил қоидаларга риоя қилиш аҳамияти.

### **35-мавзу. Интерактив журналистикада ахлоқий мезонлар**

Интерактив журналистиканинг умумқасбий ва локал этика меъёрлари. Муаллифнинг позицияси. Унинг ижодий жамоа билан алоқадорлик этикаси. Бошловчининг аудитория билан ишлашининг ахлоқий жиҳатлари.

Интерактив журналистикада эркинлик ва масъулият мувозанатини сақлаш талаблари. Фавқулудда вазиятларда касб этикаси меъёрлари. Интерфаол журналистикада мулоқот маданияти.

## **5-Модул. Теле-, кино-, фотопублицистика**

### **36-мавзу. Ўзбекистонда теле-, кино-, фотопублицистиканинг ривожланиши**

Экран публицистикаси ва очерк. Сўзнинг коммуникацион вазифалари. Тасвирнинг аудиовизуал журналистикада устун туриши. Овоз воситалари ва тасвир муносабатлари: бир-бирини тўлдириши, баъзан бири иккинчисига зид қўйилиши. Публицистик асарда мазмун ва шакл масалалари. Электрон техника ҳисобга олиниб сценарий ёзилиши. Публицистик асарнинг адабий пойдевори – сценарий таркиби, ёзилиш техникаси, бадиияти. Режиссуранинг кинотелепублицистикада тутган ўрни.

Муаллиф, муҳаррир, тақризчи билан асарни тарғиб қилиши, холис баҳолаши “Ҳақиқатга садоқат” видеофильми таркиби ва композицияси.

### **37-мавзу. Кино-, теле-, фото публицистиканинг ўзига хос хусусиятлари**

Фаробий таълимоти: санъаткорнинг малакаси, истеъдодлар миқдор жиҳатдан фарқ қилиши ҳақида. Бу таълимотнинг кино ва ТВ учун аҳамияти. Аудиовизуал маданият кўринишларида кўхна санъатларнинг таъсири. Синтез масалалари. Кинотеле публицистика: ёзилган сўз, айтилган сўз, монтаж техникаси ва эстетикаси, кўп камерали

суратга олиш, овоз воситалари, сценарийга сўнги нукта қўйилишига қадар бу адабий пойдеворнинг мукамаллашиб бориши.

### **38-мавзу. Теле-, кино-, фотопублицистика таркиби ва журналист-муаллиф қахрамон танлаш муаммоси**

Теле-, кино-, фотопублицистиканинг тамойиллари. Унинг таркиби ва асосий хусусиятлари. Қахрамон ва унга қўйиладиган талаблар. Қахрамон излаш йўллари ва усуллари. Қахрамон масаласи: замондош қиёфаси, ички дунёси, интилиши, эл-юрт бахти ҳақида қайғуриши. Сценарий ва фильм таърифида: муҳит билан боғлаш, маънавий дунёсини очиш йўлларини излаш, мажозий иборалардан фойдаланиш йўллари, кинотелеузатиш жараёни, интеллектуал тушунчаларни тасвир, овоз воситалари, матн, композициялар ила ифода этиш, кадрда ва кадр ортида айтиладиган сўзнинг ўрни ва ҳажми.

### **39-мавзу. Фотография асарининг эстетикаси, коммуникацион хизматлар, теле-, кино-, фотопублицистикада ўрни**

Фотография асарининг эстетикаси, коммуникацион хизматлар, кинотелепублицистикадаги ўрни.

Бадий фотография - санъат асари сифатида. Фотосурат даврини, ҳолатини муҳрлаш. Фотосурат – публицистик асар таркибида. Кино – ҳаракатдаги фотосурат. Фотосурат ёзма публицистикада. Фото ва ёзилган сўз. Фото ва айтилган сўз. Фото ва мусиқа. Турғун ҳолатдаги фотосурат ҳамда ҳаракатдаги тасвир.

## **IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар учун куйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Фотография асари учун объект танлаш
2. Фоторепортаж тайёрлаш
3. Телевизион сценарий ёзиш.
4. Радиосценарий ёзиш
5. Тасвирга тушириш
6. Оддий ва мураккаб монтаж жараёнлари билан танишиш.
7. Ахборот жанрида материал тайёрлаш.
8. Таҳлилий жанрда телемахсулот тайёрлаш.
9. Бадий – публицистик жанрда кўрсатув тайёрлаш.
10. Тўғридан-тўғри эфирда ишлаш
11. Овоз билан ишлаш
12. Интервью олиш, суҳбат ўтказиш бўйича машқлар бажариш.
13. Репортаж олиб бориш ва материални монтаж қилиш
14. Ёзилган радиосценарий муҳокамаси
15. Аудиолавҳаларни ташкиллаштириш ва улар асосида ижтимоий ролик тайёрлаш.
16. Радиоканаллар эшиттиришларининг мониторинги ўтказиш.
17. Нодавлат радиостанциялар фаолиятини таҳлил қилиш.
18. Радиоэшиттиришларга тақриз ёзиш.

Амалий машғулотлар мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияларда, шунингдек ўқув телестудияси, ўқув радиостудияси, ўқув фотостудиясида ўтказилиши лозим. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

## **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Объект қандай танланади? Мухаррир топшириғи ва тасдиғи.
2. Фотоасарни суратга олиш объектини ўрганиш.
3. Телевидение учун ёзиладиган сценарий.
4. Радио учун ёзиладиган сценарий.
5. Тасвирга олиш. Тасвирга олиш жараёнида тасвирчи ва режиссёрнинг вазифалари. Бошловчи иштироки.
6. Радиода режиссёр ва бошловчи ҳамкорлиги.
7. Диктафон билан ишлаш.
8. Тасвирчи, режиссёр, журналист ва бошловчининг ўзаро муносабати.
9. Суратга олинган кўрсатув(исходник)ни просмотр қилиш.
10. Оддий монтаж жараёни билан танишиш.
11. Мураккаб монтаж жараёни ва мухаррир кўриги.
12. Умумий техник назорат.
13. Ахборот жанридаги дастурлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазкур жанрда ижодий асар тайёрлаш.
14. Тахлилий жанрдаги дастурларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазкур жанрда ижодий асар тайёрлаш.
15. Бадий-публицистик жанрдаги дастурларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазкур жанрда ижодий асар тайёрлаш.
16. Интерактив чиқишлар.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. Keene Martin. Practical Photojournalism. A Professional Guide. UK. Ammonite Press, AE Publication Ltd. 2015.
2. Phillip L.Harris, Television Production and Broadcast Journalism. 2<sup>th</sup> edition. The Good heard – Willcox Company, Inc, USA, 2012.
3. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
4. Ортикова Ю. Интерактив журналистика. Т.: Mumtoz so'z, 2008.

## Қўшимча адабиётлар

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
11. Каримов А. Аудиовизуал журналистика. Тележурналистика. Т.: ЎзДЖТУ, 2012.
12. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002.
13. Исмаилова К.Ф. Международное радиовещание. Т., УМЭД, 2006.
14. Исмаилова К.Ф. В режиме прямого эфира. Т.: МЦПЖ, 2007.
15. Исмаилова К.Ф. Голос перемен. Т.: Насаф, 2011.
16. Радиожурналистика. Под ред А.Шереля. 2-изд. М.: “Высшая школа”, 2004.
17. Смирнов В.В. Жанры радиожурналистики. Учебное пособие. М. Аспект-Пресс, 2004.
18. Смирнов В.В. Формы вещания: Функции, типология, структура радиопрограмм. М., Аспект Пресс, 2002.
19. Шейн В.Н. Современная радиожурналистика. М.: БГУ, 2010.

## Интернет сайтлари

20. [vitaweb.jino-net.ru](http://vitaweb.jino-net.ru)
21. [www.journalism.ru](http://www.journalism.ru)
22. [www.mediasprut.ru/public/internet](http://www.mediasprut.ru/public/internet)
23. [www.citforum.ru](http://www.citforum.ru)
24. [www.case.nnov.ru](http://www.case.nnov.ru)
25. [www.hi-edu.ru](http://www.hi-edu.ru)
26. [www.opennet.ru](http://www.opennet.ru)
27. [www.telemultimedia.ru](http://www.telemultimedia.ru)

